O‘zbekiston Respublikasi
Xalq deputatlari
Surxondaryo viloyati
Kengashining
Q A R O R I
Termiz sh., Al-Hakim At-Termiziy maydoni

Р Е Ш Е Н И Е
Сурхандарьинского областного Кенгаша народных депутатов Республики Узбекистан
г.Термез, площадь Ал-Хаким Ат-Термизий

2018 yil "26" декабрь № 222/5-35 Termiz sh.

Сурхондарё вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сон ва шу ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сон қарорларига асосан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сон ва шу ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сон қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети 2019 йил асосий кўрсаткичларининг даромадлар қисми 1 трлн. 657,2 млрд. сўм, харажатлар қисми 2 трлн. 872,0 млрд. сўм, мақсадли таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови трансферт маблағлари 1 трлн. 214,8 млрд.сўм миқдорида белгиланганлиги маъқуллансин.

3. Сурхондарё вилояти бўйича 2019 йил маҳаллий бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ, харажатлар 3-иловага мувофиқ, умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг вилоят маҳаллий бюджетига ажратиладиган меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Сурхондарё вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети даромадларининг режадан ошириб бажарилиши кутилаётган қисми ҳисобидан маблағларни вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун йўналтиришга рухсат берилсин.

5. Сурхондарё вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Т.Боболов):

солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғувчанлигини оширишга доир чоралар кўрилишини;

ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, ички талабни шакллантириш ва бозорни зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи буюмлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишни;

ижтимоий соҳага, шу жумладан тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, инфратузилмани ривожлантиришга сарфланадиган харажатлардан самарали фойдаланиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш чораларини кўрсин, шу билан бир вақтнинг муҳтож оилаларни аниқ мақсадда ижтимоий қўллаб-қувватлашни;

сифатли таълим хизматларини олиш имкониятларини ошириш, замонавий меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимини, хусусан, мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, хусусий таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, ёшларга доир давлат сиёсатини янада самарали рўёбга чиқаришни;

аҳолининг уй-жой маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш, шунингдек йўл транспорт, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишни таъминласин.

6. Сурхондарё вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Т.Боболов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ш.Рахимов) ва молия бош бошқармаси (Б.Худойберганов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда вилоят маҳаллий бюджети даромадлар қисмининг солиқ турлари бўйича белгиланган режалари оширилиб бажарилишини таъминласин.

7. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Худойберганов)га:

вилоят маҳаллий бюджетининг 2019 йил давомида маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириш натижасида шаклланадиган қўшимча манбалар ҳисобидан вилоятни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур тузатишлар киритиб бориш;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан маблағ билан таъминланиш асослари мавжудлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш ҳамда ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигига эришилмаётган муассасаларни қисқартириш юзасидан вилоят ҳокимлиги ва тегишли бошқармаларга мунтазам равишда таклиф киритиш;

ғазначилик органлари билан биргаликда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг асоссиз сарфланишини бартараф этиш устидан қатъий назорат қилинишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

8. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бюджет даромадларининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилишини таъминласинлар, минтақаларнинг солиқ солиш базаси кенгайтирилиши ва молиявий салоҳияти мустаҳкамланиши юзасидан зарурий

чора-тадбирлар кўрсинлар, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

9. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатларининг бошқарув органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ҳамда вилоят маҳаллий бюджетининг 2019 йил давомида шаклланадиган қўшимча маблағлари ҳисобидан:

вилоят ҳокимлиги барча ходимларининг (вилоят ҳокими ва ўринбосарлари бундан мустасно) иш ҳақига ҳар ойда бир ойлик иш ҳақи миқдорида;

вилоят Молия бош бошқармаси, Ғазначилик бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармаси ходимларига ҳар чоракда бир ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши белгилансин.

10. Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Худойберганов) ва Давлат молиявий назорати бошқармасига (Б.Хусанов) халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси Ў.Тошбоев зиммасига юклансин.

12. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси **А.Артиков**

Халқ депутатлари вилоят
Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги
2225-35-сонли қарорига
1-илова

2019 ЙИЛ УЧУН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

контингент

	Даромад турлари	минг. сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	135 000 000
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	50 476 353
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	522 902 389
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	28 700 000
6	Қўшилган қиймат солиғи	662 500 000
7	Акциз солиғи, жами	171 854 499
	шу жумладан:	
	- ароқ	*39 222 563*
	- табиий вино	*127 403*
	- бошқа винолар	*1 754 811*
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*130 749 722*
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	32 912 700
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	41 609 652
10	Юридик шахслар ер солиғи	28 211 200
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	60 555 391
12	Ягона ер солиғи	25 904 796
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	114 214 884
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	4 848 700
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	5 090 800
16	Давлат божи	49 834 679
17	Жарималар	40 746 621
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	19 769 277
19	Бозорлар даромадидан тушум	15 700 591
20	Маҳаллий йиғимлар	5 689 324
ЖАМИ		**2 016 521 856**

Халқ депутатлари вилоят
Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги
222/5-35 -сонли қарорига
2-илова

2019 ЙИЛ УЧУН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Маълумот учун: маҳаллий

	Даромад турлари	минг. сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	135 000 000
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	50 476 353
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	522 902 389
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	28 700 000
6	Қўшилган қиймат солиғи	417 375 000
7	Акциз солиғи, жами	171 854 499
	шу жумладан:	
	- ароқ	*39 222 563*
	- табиий вино	*127 403*
	- бошқа винолар	*1 754 811*
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*130 749 722*
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	32 912 700
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	41 609 652
10	Юридик шахслар ер солиғи	28 211 200
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	60 555 391
12	Ягона ер солиғи	25 904 796
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	4 848 700
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	5 090 800
16	Давлат божи	49 834 679
17	Жарималар	40 746 621
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	19 769 277
19	Бозорлар даромадидан тушум	15 700 591
20	Маҳаллий йиғимлар	5 689 324
ЖАМИ		**1 657 181 972**

Халқ депутатлари вилоят
Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги
2225-35-сонли қарорига
3-илова

Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетларининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўм)
	Харажатлар - жами	**2 872 013 131**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**2 491 883 759**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	1 547 915 249
	- мактабгача таълим	158 655 504
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	107 000 293
	- умумий таълим	1 387 862 857
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	1 317 170 706
	- кадрлар тайёрлаш	1 396 888
1.2	Соғлиқни сақлаш	697 428 802
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	563 840 025
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	39 706 407
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	21 146 193
	- спорт	18 560 214
1.4	Фан	3 418 291
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	201 828 737
1.6	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	20 273
1.7	Иситиш қозонхоналари ва иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	355 191
1.8	Ижтимоий кўникма марказлари	1 210 809
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**160 329 706**
	шу жумладан:	
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	6 253 802
2.2	Ободонлаштириш	69 202 624
2.3	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	565 614
2.4	Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	1 645 492
2.5	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	16 479 110

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўм)
2.6	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	37 541 725
2.7	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	5 654 305
2.8	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	4 091 593
2.9	Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика ва курашиш радиологик ва токсикологик кузатувларни олиб бориш, тупроқ ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги оғир металл тузлари ва пестицидлар чўкинди қолдиқлари, тўпланган радионуклидларни таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирларни	4 309 822
2.10	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	2 525 066
2.11	Ветеринария қўмитаси	12 060 553
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	**42 502 200**
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**88 714 515**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	88 714 515
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**56 291 813**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**28 435 774**
7.	**Бошқа харажатлар**	**3 855 364**
	шу жумладан:	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	1 988 194
7.2	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	1 867 170,0

Маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадлар

Умумдавлат солиқларидан минимал миқдорда ажратмалар белгиланишида юзага келган ортиқча маблағлар

Ижтимоий соҳа учун трансфертлар - жами **1 214 831 159,0**

шу жумладан:

- мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови 84 964 560,0
- халқ таълими муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови 751 253 131,0
- соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови 378 613 468,0

Дотация

Айланма касса маблағи меъёри **18 611 000**

Халқ депутатлари вилоят
Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги
2215-35-сонли қарорига
4-илова

2019 йилда умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг Сурхондарё вилояти бюджетига ажратиладиган меъёрлари

(фоизда)

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий бюджетга ажратма миқдори
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	100
Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0
Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	100
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	100
Қўшилган қиймат солиғи	63
Акциз солиғи:	
- алкогол маҳсулотлари	100
- пиво	100
- тамаки маҳсулотлари	0
- бензин, дизель ёқилғиси ва авиация керосини	0
- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	100
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	100
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100